

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

У.Ахмедова

Умумлашган ҳосила асосида функциялар тригонометрик ёйилмасининг ягоналиги 6

КИМЁ

Г.Рахматова, М.Курбанов, М.Рузибоев

1-тиаиндан, 1-тиохроман ва уларнинг ҳосилаларини диациллаш реакцияларини ўрганиш ва синтезлаш 11

Ф.Юсупов, А.Кўчаров, М.Маманазаров, С.Халилов, Р.Тошбобоева

Қўнғир кўмирни бойитишга турли факторларнинг таъсирини ўрганиш, физик-механик параметрларни ва турли шароитларга бардошлилигини аниқлаш 15

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

З.Жабборов, И.Мамажанов

Саноат ифлосланиши экологияси 20

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Н.Ҳакимов, Ш.Зулфикаров, А.Абдумаликов

Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари 26

М.Назаров

Илмий-техник ижодиётда шубҳа тамойили ва танқидий қараш 33

Ш.Аббосова

Янгиланаётган Ўзбекистон, жамиятнинг демократлашуви ва шахс эркинлиги 37

Б.Ғаниев

Ўзбекистондаги трансформацион жараёнлар даврида тадбиркорлик масаласини илмий-методологик ва фалсафий тадқиқ этиш зарурати 41

ТАРИХ

У.Абдуллаев, М.Ғозиев

Фарғона водийси халқларида от билан боғлиқ эътиқодий қарашлар 45

Э.Ғуломов

Ўзбекистон Республикасида сайлов тизимининг шаклланиши (1991-2000 йиллар) 49

Ў.Хошимов

Олий таълимдан кейинги таълим соҳасидаги ўзгаришлар ва муаммолар (Фарғона водийси вилоятлари мисолида) 55

Н.Кенжаева

XX асрнинг 30-йилларида Помир ва унга туташ минтақаларда амалга оширилган илмий экспедицияларнинг комплекс тадқиқот фаолиятига доир: аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари 60

С.Рахматуллаева

Фарғона водийсида экологик вазиятнинг оналар ва болалар саломатлигига салбий таъсири ва уни бартараф этиш чора-тадбирлари юзасидан айрим мулоҳазалар (1950-1994 йиллар мисолида) 66

О.Кличев

Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасидаги дипломатик муносабатларда совға алмашинув тартиблари 70

О.Пуговкина

Устоз ва унинг шогирди: В.В. Бартольд ва Н.С.Ликошин 74

Г.Рахимова

Қашқадарё вилоятидаги саноат корхоналарининг экологик ҳолатга салбий таъсири 79

Мустақиллик йилларига келиб, Ўзбекистонда аҳоли саломатлигига жиддий эътибор берилди. Юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий дастурларнинг барчаси аҳоли фаровонлигини ошириш ва халқимиз келажаги бўлган соғлом авлодни вояга етказиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар самарасидир. Она ва бола муҳофазасига оид Ўзбекистон Республикасида 30 тага яқин фармон ва қарор, Вазирлар Маҳкамасининг 100 тадан зиёд қарори қабул қилинган. 2008 йилда «Болалиқдан ногирон туғилишнинг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилинган [15,73].

Республикада 1990 йилларда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар тез фурсатларда ўзининг ижобий натижасини бера бошлади. Жумладан, биргина Фарғона вилоятида 1989 йилда туғилган ҳар минг гўдақдан 35,3 нафари нобуд бўлган бўлса, 1993 йили бу кўрсаткич 25,6 нафарга тўғри келди. 1994

йилда 387199 нафар фарзанд кўриш ёшидаги аёл тиббий кўрикдан ўтказилиб, улардан 188401 нафарида турли хасталиклар аниқланган. Шундан 138748 нафари тўлиқ соғломлаштирилган. Мазкур даврда вилоятда 113272 нафар хасталикка мойил бола диспансер назоратига олинган бўлиб, уларнинг 85425 нафари даволаш муассасаларида, 64520 нафари болалар ёзги оромгоҳлари ва санаторийларда соғломлаштирилган. Олиб борилган тўла соғломлаштириш тадбирлари натижасида вилоятда болалар ўлими кўрсаткичларининг 1994 йилда 1992 йилги 41,7 фоиздан 28,7 фоизга, оналар ўлими эса 1992 йилги 38,1 фоиздан 18 фоизга камайишига эришилган [16].

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар йўлида эришган натижалар ёмон эмас. Ўтган давр мобайнида ушбу йўналишда Фарғона водийси вилоятларида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди.

Адабиётлар:

1. Асанов Г., Набихонов М., Сафаров И. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий жуғрофияси. —Т.: Ўқитувчи 1994 й.
2. ФарДА. Р.1147- фонд, рўйхат -7, иш-1087,276-варақ.
3. ЎзМА. Р.1124-фонд, рўйхат -7, иш-1052,63-варақ.
4. ФарДА. Р.фонд-1124, рўйхат-7, иш-1300,127-варақ.
5. Ўша манба.
6. Қўқон ДА. 580-фонд, рўйхат-88, иш-80, 221-варақ.
7. Каримов.И.А.Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. —Т., Ўзбекистон, 1997й.
8. ЎзМА. Р.837-фонд,41-руйхат,1859-иш, 289-варақ.
9. Шодиметов.Ю. Ижтимоий экологияга кириш. —Т.: Ўқитувчи, 1994.
10. ЎзМА. 837-фонд, 41-рўйхат,1854-иш, 269-варақ.
11. Д.Алимова. Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: Тарих шохидлиги ва сабоқлари. —Т.: Шарқ. 2000 й.
12. Ўзбекистон коммунисти. -1987. -№ 7.10.
13. КПСС и советское правительство об Узбекистане. Сборник документов (1924-1970гг) —Т.,1972.
14. Рахимова Г.С. Фарғона водийсининг иқтисодий ривожига экологик муаммолар. —Т.: “Наврўз” нашриёти, 2017 й.
15. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. —Т.: Ўқитувчи, 2014.
16. ФарДА , 1220-фонд, 2-рўйхат, 6-йиғма жилд.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор).

УДК:93/94:327(470+575.1/.4)(043.3)

**БУХОРО АМИРЛИГИ ВА РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ЎРТАСИДАГИ ДИПЛОМАТИК
МУНОСАБАТЛАРДА СОВҒА АЛМАШИНУВ ТАРТИБЛАРИ**

**ПОРЯДОК ОБМЕНА ПОДАРКАМИ В ДИПЛОМАТИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЯХ МЕЖДУ
БУХАРСКИМ ЭМИРАТОМ И РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИЕЙ**

**THE PROCEDURE FOR EXCHANGE OF GIFTS IN DIPLOMATIC RELATIONS
BETWEEN THE BUKHARA EMIRATE AND RUSSIAN EMPIRE**

О.Кличев¹

¹ **О.Кличев**

– БухДУ, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD).

Аннотация

Тарихий даврлар кесимида олиб қарайдиган бўлсак, деярли ҳар бир даврда совға алмашинуви алоҳида дипломатик аънава сифатида такомиллашиб, баъзида ўзгариб борганлигини кузатиш мумкин. Мазкур тадқиқотда XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида Бухоро амирлиги ва Россия империяси ҳукуматлари ўртасидаги муносабатларда совға алмашинуви тартиби таҳлил қилинади.

Аннотация

Если посмотреть в разрезе исторических периодов, то можно увидеть, как почти в каждом периоде обмен подарками развивался как отдельная дипломатическая традиция, а в некоторых случаях и вовсе изменялся. В данном исследовании осуществлен анализ порядка обмена подарками между Бухарским эмиратом и Российской империей во второй половине XIX - начале XX вв.

Annotation

In different historical periods the exchange of gifts was developed as a diplomatic tradition, in some cases it was completely changed. In the following research the procedure of gifts change in the relations of the emirate of Bukhara and the Russian empire in the second half of 19th and the beginning of 20th century is analysed.

Таянч сўзлар ва иборалар: амир, тартиб, совға, генерал-губернатор, император, П.М.Лессар, сиёсий агент, қабул.

Ключевые слова и выражения: эмир, порядок, подарок, генерал-губернатор, император, П.М. Лессар, политический агент, прием.

Keywords and expressions: emir, procedure, gift, general-governor, emperor, P.M. Lessar, political agent, reception.

Ҳукуматлараро муносабатларда элчилик алоқалари муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу жараён иккала, баъзи ҳолларда бир неча манфаатлар чорраҳасидаги муҳим йўл ўтказгич ҳамдир. Дипломатик этикет ва давлатлараро муносабатлар тарихида совға алмашинув тадбири аҳамиятли бўлиб, элчилик, расмий ташрифлар доирасидаги совға тақдим этиш ва қабул қилиш жараёни ҳам тартиблаштирилган, десак хато бўлмайди.

Империя ва амирлик ўртасида совға алмашинуви оид маълумотлар Ўзбекистон Миллий архиви ҳамда Россия империяси ташқи ишлар вазирлиги архиви ҳамда Россия давлат ҳарбий тарихи архивларида сақланмоқда. Дипломатик протоколнинг бир қисми сифатида қаралган совға алмашинуви регламентлаштирилган масалалар сирасига киради. Бухоро амирлиги ва Россия

империяси ўртасидаги муносабатларда совға алмашинуви масаласига оид ҳужжатлар таҳлили мазкур йўналишда алоҳида тартиб мавжудлигини кўрсатмоқда.

Амирлик ва империя ўртасидаги совға алмашинуви алоҳида гуруҳларга ажратиш мумкин. Жумладан, 1. Император ҳукуматининг Бухородаги сиёсий агентига амир билан учрашувдан сўнг тақдим этилган совғалар, 2. Бухоро амири ва Туркистон генерал-губернатори ўртасидаги аънавий элчилик алмашинуви ҳамда 3. император ва амир ўртасидаги дипломатик муносабатлардаги совға алмашинуви. Мазкур уч гуруҳга тегишли совға алмашинуви билан боғлиқ тартиб ишлаб чиқилган ва амирлик ҳукумати тақдим этилган эди.

Шарқона аънавага кўра ҳукмдор қабулида бўлган шахс унинг марҳамати – совғасига эга бўлган. Шу нуқтаи назардан

1886 йил январ ойидан ўз фаолиятини бошлаган сиёсий агентлик раҳбари - сиёсий агентлар бундай эътиборга сазовор бўлганлар.

Ўзбекистон Миллий архиви ҳужжатлари империя ва амирлик ҳукумати ўртасидаги совға алмашинувига оид масалалар ҳукуматлараро доирада ҳал этилганлигини кўрсатди. 1890 йил август - ноябр ойларида сиёсий агент П.М.Лессар ва амирлик қўшбегиси Остонақул, булар билан бир қаторда, Туркистон генерал-губернатори А.Б.Вревский ҳамда Амир Абдулаҳад ўртасидаги ёзишмалар буни исботлайди.

Сиёсий агент генерал-губернатор номига 1890 йил 3 август санасида йўллаган мактубида сиёсий агентлик ва амирлик ҳукумати ўртасида совға алмашинувини тўхтатишга ижобий ёндашганини баён этади. Мактуб таҳлили сиёсий агент ушбу масала юзасидан амирлик ҳукуматига ҳам мурожаат қилганлигини кўрсатди.

Амир номига йўлланган мактубда Бухорои шарифда азалдан амир қабулида бўлганларга совға тақдим этиш удуми мавжудлигидан хабардор эканлиги баён этилади. Шундан сўнг, сиёсий агент Россия империясининг ваколатли амалдори сифатида ушбу тортиқларни қабул қилолмаслигига қарамасдан, ушбу тартибга риоя қилаётгани ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги ходимлари орасида фақатгина Бухородаги император сиёсий агентлиги ушбу тартибга истисно тарзида риоя қилаётганлигини маълум қилади [1]. У ўз фикрларини давом эттирган ҳолда ушбу истиснога рухсат этилишининг ўзи Россия империяси ва Бухоро ўртасидаги ҳамкорликнинг ёрқин исботи эканлигини таъкидлайди.

Туркистон генерал-губернатори А.Б.Вревский номига йўлланган мактубда эса сиёсий агент ушбу тартибдан босқичма-босқич воз кечиш зарурати юзага келганлигини баён этади. Сиёсий агент ўз фикрларини давом эттириб, бугунги кунда дунёнинг бошқа мамлакатларидаги вакиллик муассасаларида ҳам ҳудуд маъмурлари томонидан совғалар тақдим этиш тўхтатилганлигини таъкидлаган эди. Бунинг исботи сифатида Истанбул маъмурларининг фаолияти билан бир қаторда Эрон шоҳлари ҳам ушбу тадбирни амалга оширишни ман этганлиги баён этилади. Мазкур фикрлар сиёсий агент

томонидан қўшбеги Остонақул воситасида амирлик маъмуриятига етказилади.

Аммо бу билан Бухоро амири ва сиёсий агент ўртасидаги совға алмашинуви тадбири бекор қилинмаган. Бунга мамлакат ичидаги маълум гуруҳ вакилларининг амир ва Россия империяси ўртасидаги муносабатлар ёмонлашган, деб тушунишлари хавфи сабаб бўлган. Натижада, амир ва сиёсий агентлик ўртасидаги совға алмашинуви тадбирларига баъзи ўзгаришлар киритилган. Яъни, энди амир совғалари сиёсий агентга учрашувдан кейинги кунда тақдим этила бошланди. Унинг даврийлиги ҳам ўзгариб, энди сиёсий агент ва амир ўртасидаги баъзи бир учрашувдан сўнгина совғалар тақдим этила бошланди. Кейинчалик эса бу тадбирдан босқичма – босқич воз кечиш режалаштирилган ҳам эди. Аммо бундай бўлмади.

Сиёсий агент П.М.Лессар 1894 йил июн ойида ҳам мазкур масалага мурожаат қилган ҳолда ўзининг қуйидаги таклифларини билдиради.

1. Икки мамлакат элчилик вакиллари ўртасидаги совғалар алмашинувига рухсат бериш билан бирга, уларни босқичма-босқич камайтириш.

2. Бухоро амирлигига ташриф буюрган ҳеч бир рус империяси амалдори амир ва амирлик ҳукумати амалдорларидан совғаларни олмаслиги зарур [2].

Сўнгра иккинчи таклиф қабул қилинмаган тақдирда амир томонидан тақдим этилган совғаларни Бухоро амирлиги ҳудудида сотмаслик кераклиги ҳам таъкидланади. Сиёсий агентнинг ушбу таклифлари генерал-губернатор А.Б.Вревский томонидан маъқулланмаган. У буни мазкур масалаларнинг ҳал этилиши ҳали ўринсиз эканлиги, ушбу масаланинг кўтарилиши икки мамлакат ўртасидаги муносабатларга таъсир қилиши ва мавжуд анъаналарнинг бузилишига олиб келиши мумкинлиги билан изоҳлаган.

Россия Федерациясидаги архив жамғармаларидаги ҳужжатларни тадқиқ этиш жараёнида амирлик ва империя ҳукуматлари ўртасидаги совға алмашинуви билан боғлиқ масала ҳарбий вазирлик бош штабида 1898 йилда ҳам кўтарилганлиги аниқланди.

Бухоро амирининг рус амалдорларига тақдим этаётган совғалар масаласига Бош штаб қуйидагича қараган: 1898 йил 30

апрелда "О подарках Бухарского эмира" – "Бухоро амирининг совғалари тўғрисида" деган тахлилий ҳужжат тайёрланган бўлиб, унда рус маъмурларига амирлик ҳукумати томонидан тақдим этиладиган совғалар қуйидаги гуруҳларга ажратилган[3]:

1. Даврий (периодические) совғалар, 2. Бухоро амири ва беклари томонидан рус манзилгоҳлар вакилларига тақдим этиладиган совғалар, 3. Генерал-губернатор томонидан амирлик ҳудудига хизмат сафарига юборилган ходимларга бериладиган совғалар. 4. Бухоро амирлари томонидан Санкт-Петербург шаҳрига амалга оширилган ташрифлар давомида юқори мартабали амалдорларга тақдим этилган совғалар. 5. Бухоро амири ҳузурида вақтинчалик, яъни Санкт-Петербург ва Кавказ ташрифлари даврида бириктирилган амалдорларга тақдим этиладиган совғалар[4].

Юқорида таъкидлаганимиз каби империя амалдор ва маъмурларининг амирлик ҳукумати томонидан совғалар билан тақдирланиши билан боғлиқ масала дастлаб 1890 йилда кўтарилиб, 1894 йилда тақлифлар билдириш шаклида яқунланганлигини кўришимиз мумкин. Ҳужжатлар тахлили кейинчалик ушбу масала 1898 йилнинг сентябр ойида яна муҳокама этилганлигини кўрсатмоқда. Бунда мавжуд тартиб Бухоро амирлиги ва Туркистон генерал-губернаторлиги ўртасидаги элчилик алмашинуви йилига бир марта этиб белгиланиши каби янги бандлар билан тўлдирилганлигини ҳам кўрсатди[5].

Амирлик ҳукумати томонидан тақдим этиладиган совғаларни қабул қилиш, бу тартибнинг босқичма-босқич бекор қилиниши билан боғлиқ масалаларга оид маълумотларни Россия империяси ташқи сиёсати архив жамғармасидаги йиғма жилдларда ҳам учратиш мумкин.

Сиёсий агентлик мазкур масала юзасидан Ташқи ишлар вазирлиги тизимидаги Осиё департаментига тегишли хабарларни билдирган. Шундай ҳужжатлардан бири 1894 йил 20 июнь санасида йўлланган мактубдир[6].

Сиёсий агент ўзининг ушбу мактубида империя ҳукуматининг Ўрта Осиё минтақасидаги обрўсини сақлашда совғаларнинг аҳамияти масаласида тўхталиб, уларни қабул қилиш ва унга яраша

жавоб қайтариш масаласига ҳам алоҳида эътибор берган ҳолда қуйидагиларни таъкидлаган: " ... Туркистон ва Бухоро ўртасидаги совға алмашинуви халқ кўз ўнгида амирлик ва Россия ўртасидаги муносабатлар дўстона эканлигини кўрсатади. Бу, мустақиллиги сақланган Бухоро амири Абдулаҳаднинг нуфузини халқ наздида сақлашга кўмаклашади"[7]. Сиёсий агентнинг ушбу фикрлари бир томондан гўёки амир "нуфузини сақлаш"га интилишига қаратилгандай кўринса-да, аммо бу масаланинг ўзаги шарқона одат маҳсули эди. Масаланинг бу жиҳати унинг назаридан четда қолган.

Сиёсий агентлик вакили ўз эътиборини совға алмашинуви билан боғлиқ масаланинг иккинчи жиҳати – жавобсиз совға олиш тартиби, яъни империя маъмурларининг амирлик ҳукумати томонидан тақдирланиши Ўрта Осиёдаги империя ҳукумати нуфузига таъсир кўрсатиши мумкинлигини баён этади.

У ўз қарашларини мазкур йўналишда Буюк Британия юритган сиёсат билан таққослашга интилган. У инглиз ҳукуматининг Ҳиндистондаги вакиллари маҳаллий ҳукмдорларидан ҳеч қандай совға олмасликка келишганликлари, элчилик натижасида келиб тушган совғалар эса инглиз маъмурлари томонидан сотилиб, совға алмашинуви учун мўлжалланган ажратма фондига кўчирилганлигини таъкидлайди[8]. Ўз фикрларини давом эттириб, сиёсий агент, мазкур тажриба Афғонистон амири Абдурахмонхон ва инглиз сэри М.Дюранд ўртасида ҳам амалда бўлганлигини билдиради.

Унинг фикрича, Бухоро амири совға тариқасида империя маъмурларига асосан тўн ва мато парчаларини тақдим этган, амалдорлар эса улардан ҳеч қачон фойдаланишмаган. Натижада, совғалар рус маъмури турган манзилга етказилганидан сўнг, бир гуруҳ савдогарлар у ерга ташриф буюриб, совғаларни сотиб олишган. Буни сиёсий агент амир ушбу амалдорларга совға ўрнида пул тақдим этди, деб қабул қилган. У ўз фикрини амирлик аҳолиси орасидаги "амалдор катта ва нуфузли бўлса совғалар қимматроқ бўлади, кичикроқ кам нуфузли бўлса пастроқ бўлади", деган турли хил ҳазиллар билан асослашга интилади. Аммо, унинг бундай қарашини ўринли, деб